

**2017 йил тематик иш режасини шакллантириш мақсадида турли жанрлар бўйича
бадий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларга мўлжалланган адабий
сценарийлар лойиҳалари учун танловнинг
НИЗОМИ**

Турли жанрлар бўйича бадий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларга мўлжалланган адабий сценарийлар лойиҳалари учун танлов (бундан буён - Танлов) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги “Ўзбеккино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 126-сон Қарорига биноан тузилган Бадий кенгашнинг Низоми ҳамда мазкур Бадий кенгашнинг 2016 йил 4 августдаги йиғилиши Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, яъни энг яхши фильм сценарий лойиҳасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

I. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

1.1. Танловга қуйидаги йўналишларда яратилган сценарийлар қабул қилинади:

- бадий фильмлар, мультипликацион фильмлар, ҳужжатли фильмлар.

1.2. Танловга тақдим этилган сценарий лойиҳаларини кўриб чиқиш ва саралаш чоғида уларда қуйидаги мезонлар қай даражада акс эттирилганига эътибор қаратилади:

- юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, ижтимоий-маърифий жабҳаларда рўй бераётган улўғвор ўзгаришлар;

- миллатимизга хос эзгу фазилатлар, шунингдек, чуқур тарихий илдизларга эга бўлган кадрятларимиз улўғворлиги;

- ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишлари, маънавий-маърифий эҳтиёжларини қондиришлари, ватанпарварлик ва халқпарварлик тушунчаларини, умумбашарий ва миллий кадрятлар мазмун-моҳиятини теран англаб етиши учун хизмат қиладиган ибратли ҳаётий сабоқлар;

- азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оиланинг ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини эканлиги;

- ўзбек халқига хос бўлган кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш сингари эзгу кадрятлар, шунингдек нуроний отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёти акс эттирилган бўлиши;

- она Ватан ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйган, адолат ва эзгуликни мардона ҳимоя қиладиган, ёвузлик ва хиёнатга мурасасиз, эътиқоди мустаҳкам, қатъиятли ва ғурури баланд замондошлар образи ўз ифодасини топиши лозим.

Шунингдек, ўзининг эзгу фазилатлари билан кўпчиликка ибрат бўлаётган замондошларимиз сиймоси акс эттирилган ҳамда бой маданий-тарихий меросимиз, халқ оғзаки ижоди (эртақлар, масаллар, дostonлар, маталлар) намуналари асосида ёзилган, шунингдек болалар аудиторияси учун мўлжалланган сценарий лойиҳалари ҳам танловга қабул қилинади.

1.3. Муаллифлар ёки киностудиялар томонидан танловга тақдим этиладиган сценарий лойиҳалари қуйидаги тартибда рўйхатга олинади:

а) муаллифнинг исми-шарифи ва у ҳақида қисқача маълумот;

б) фильмнинг ишчи номи;

в) формати ва умумий ҳажми;

г) жанри;

д) аудиторияси;

е) асосий ғояси кўрсатилган шаклда тўлдирилган талабнома тақдим этилганда.

Шунингдек, сценарий лойиҳасида

а) қисқача мазмуни (Қисқача сюжетда образлар, тимсоллар ҳам акс этган бўлиши мумкин. Унда асосий сюжет линияси, асосий персонажлар ва асосий воқеалар, кульминацияси ҳамда ечими аниқ кўрсатилиши лозим.);

б) лойиҳалар ўзбек тилида (истисно тариқасида рус тилида), адабий тил ва имло қоидаларига риоя қилинган ҳолда ёзилган, компьютерда А-4 форматда, 1,5 интервалда кўчирилган бўлиб, ҳажми 4 САҲИФАдан ошмаслиги керак.

II. ҲАҚАМЛАР ҲАЙЪАТИ

2.1. Муаллифлар томонидан танловга тақдим этилган сценарий лойиҳаларини кўриб чиқиб, баҳолаш ва уларнинг энг сара намуналарини аниқлаш бўйича Бадий кенгаш қошидаги Ишчи орган шуғулланади. Саралаб олинган сценарий лойиҳалари Агентлик Бадий кенгаши аъзоларидан иборат Ҳақамлар ҳайъати эътиборига ҳавола этилади ва Ишчи орган аъзолари мазкур Ҳайъатни танлов ҳақида мунтазам равишда хабардор этиб боради.

2.2. Агентликка сценарий лойиҳалари 2016 йилнинг 30 октябрга қадар тақдим этилиши лозим.

2.6. Ҳақамлар ҳайъати тақдим этилган сценарийларларни ушбу Низомнинг 1.2-бандида белгиланган мезонлар асосида кўриб чиқиб, 2016 йилнинг 20 декабрга қадар яқуний ҳулоса чиқаради.

2.7. Ҳақамлар ҳайъати 2017 йил учун мўлжалланган иш режаси учун турли мавзуларда сценарий лойиҳаларини аниқлайди.

III. МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ

3.1. 2017 тематик иш режасини шакллантириш мақсадида турли жанрлар бўйича бадий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларга мўлжалланган адабий сценарийлар лойиҳалари учун танловда ғолиб деб топилган сценарий лойиҳаси асосида адабий сценарий ёзиш учун муаллифга буюртма берилади ва “Ўзбеккино” Миллий агентлигига 2017 йилги ишлаб чиқариш ҳажмлари учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар эвазига фильм ишлаб чиқаришга тавсия этилади.

3.2. Фильмлар ишлаб чиқариш учун белгиланган лойиҳа-смета ҳужжатларида адабий сценарий учун белгиланган қалам ҳақи Танловда ғолиб деб топилган сценарий лойиҳаси муаллиф(лар)ига мукофот сифатида белгиланади.